

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

«Шифокорнинг кўзи лочиндек ўткир,
қўллари қўлларики қўлларидек майин,
ақли клок каби доғишмайд,
қалби шориниқдек доғишмайд
бўлиши керак».

«Врач должен обладать
глазом сокола,
руками девушки, мудростью змеи
и сердцем льва».


Абу Али ибн Сино.



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган. № 36 (292) 2002 йил 10 — 16 сентябрь.

Сешанба кунлари чиқади. Сотувда эркин нархда.

НИШОНДОР ИМИЗ



Новости

СВП В ТЕЗГУЗАРЕ

В преддверии праздника независимости в селе Тезгузар Шафирканского района открылся новый врачебный пункт. На строительство объекта потрачено более 30 млн. сумов. Пункт был построен по заказу дирекции Приаралья строителями подразделения «Агротамир-курилиш».

— В нашем пункте население обслуживают терапевт, акушер-гинеколог, педиатр, стоматолог, — сказал заведующий СВП Т. Джураев. — Мы производим медицинское обслуживание сел Тезгузар, Курама, Болокара, Жилван, Хаволик ширкатного хозяйства имени И. Муминова.

ЗИЁ ТАРАТИБ

Профессор Қосимов Эркин Йўлдошев — республика ва дунё таниган шифокор, олим-терапевт-гастроэнтеролог ва мохир педагог. 400 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи (шулардан 1 та монография ва 2 та дарслик). Унинг рисоалари чет элларда, чунинчи Исроил, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Польша, Озарбайжон, Латвия, Эстония, Қозоғистонда чоп этилган.

2-ТошМИ ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасининг мудир. Шогирдлари беҳисоб: 6 фан доктори ва 29 фан номзодлари, 40 нафар клиник ординаторлар ва ўн минглаб врачларни тайёрлаган. Жамоатчилик фаолияти билан ҳам ҳурматга сазовор: Ўзбекистон врачлари

Ассоциацияси ва унинг Ахборот журнали, «Сиҳат-саломатлик» журнали асосчиларидан бири ҳамда «Ҳамшира» журналининг биринчи ташкилотчиси ва собиқ бош муҳаррири, Тошкент шаҳар терапевтлар илмий жамиятининг раиси, ССВ тиббий илмий кенгаши қошида гастроэнтерология соҳаси бўлимининг бошлиғи, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси тиббиёт тахририяти аъзоси.

АҚШ биография институтининг «2000 йилнинг «нуфузли киши» китобидан ўрин олиб унинг Олтин медалига сазовор бўлган. Шунингдек, Англия Кембридж Халқаро биография марказининг «XX асрнинг интеллектуали» кумуш медалининг соҳибидир. Республика «Устоз» жам-

гармаси ўтказган кўрик-танлов якунига кўра 1999 йилнинг «Энг яхши ўқитувчиси» деб тан олинган. Агар устознинг йиллар давомидаги заҳматкаш меҳнатларини жамлайдиган бўлсак, билимлар уммони ўзининг юксак чўққисини забт этди. Фидойи инсон Эркин Қосимов яқиндаги на юксак мукофотланганлар қаторидан ўрин олиб «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» унвонига сазовор бўлди. Биз таниқли олим ва фидойи инсон Эркин Қосимовни юксак мукофот билан қизгин қутлаб, ўзларига соғлиқ-саломатлик, ишларида эса баркамоллик тилаб қоламиз.

ТАХРИРИЯТ.

Суратда: профессор Эркин Қосимов дўстлари даврасида.
Даврон АХМАД олган сурат.

ОБУНА-2002

Азиз шифокорлар, ҳамширалар, зиёлилар!

Соғлиқни сақлаш борасида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар кўлами Сизни шунга яраша ахборотга эга бўлишингизни, саломатлиكنинг қундалик юрак уришидан бохабар бўлишингизни тақозо этади.

Сизга бу борада кўмак беришни, янгиликлар билан қадам-бақадам одимлашингизга мадад бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш» — «Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2002 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна давом этмоқда.

Нашр индексимиз: 127.

**ОНА
ВА БОЛА**
**Гўдакларни она
сути билан
озиқлантирайлик!**
2-бет.

**2002 год — Год защиты
интересов пожилых людей**
**ДОБАВЬТЕ ГОДЫ
К ВАШЕЙ ЖИЗНИ,
ДОБАВЬТЕ ЖИЗНИ
В ВАШИ ГОДЫ!**
3-стр.

**Ушбу
сонда:**

**ОПТС —
АТОМ БОМБАСИДАН
КОРМУШКАСИГА
ДАХШАТЛИ СОРАТ**
4-бет.

Биласизми?
**ҚОН ГУРУҲИНГИЗ
НЕЧА?**
8-бет.

РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73.

ЯНГИЛИКЛАР

- НОВОСТИ
- СОБЫТИЯ
- КОММЕНТАРИИ



ЎКСИК ҚАЛБАЛАР ЎКСИНМАСИН

Куни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика болалар полиомииелит касаллигига мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда асосан 100 нафар даволанаётган ногирон болаларлар учун дастурхон ёзилди. Касалхона бош шифокори С. Тилаов тадбирни кириш сўзи билан очар экан, даволанаётган болаларнинг байрам билан кизгин кўтлаб уларнинг ўқишлари омадлар тилаб, болаларлардан ёрдами аймаётган барча ҳомийларга ўз миннатдорчилиги билдирди.

Ҳа, бизнинг халқимиз болалар халқидир. Бугунги кунда ушбу шифохонада 200 нафар ҳодим яъни шифокор хамшира ва тарбиячи-ўқитувчилар болаларнинг даволаш билан бир қаторда таълим ва тарбия бериб келмоқдалар.

Тадбир давомида «Файз» гуруҳининг дилрабо қўшиқлари-ю, жозибали куй ва наволари болаларнинг дилини шод этиб, уларнинг ўксик қалбларини янада тўлдирди. Уларнинг даврдаги қувноқ рақслари-ю, Ватанимиз мадҳини шеърлар ила ифода этишлари иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

Хуллас, бундай савобли тадбирларнинг барчаси эртанги келажимиз бўлган болаларнинг ҳар томонлама баркамол ва теран фикрли бўлиб улғайишларида муҳим роль ўйнаши ҳеч биримизга сир эмас. Ушбу тадбирнинг янада кизикарли ўтишида «Бахт Назир» жамоаси, «Ўзбек Наво» бирлашмаси ва Аббор Хидоятлов номли драма театри жамоаларининг хизматлари катта бўлди. Жамоа ҳодимлари ва болаларларнинг ота-оналари ҳомийларга ўз ташаккурларини билдирдилар.

ҲАММА ГАП ИШНИ ТЎҒРИ БОШҚАРИШДА

Ўтган ҳафта Республика шовиш-тинч тиббий ёрдам илмий марказининг мажлислар залида «Ҳамширалик иш»нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳодимлари, республиканинг вилоятларидаги ҳамширалик иш бўйича бош мутахассислар, Тошкент шаҳар клиникаларининг бош ҳамширалари ҳамда биз билан ҳамкорликда иш олиб бораётган Япониянинг Ўзбекистондаги халқаро агентлиги (JICA) томонидан ташриф айлаган япониялик мутахассислар иштирок этдилар.

Йиғилишнинг марказ директори А. Ҳожибоев кириш сўзи билан очиб, ҳамшираларнинг фаолиятдаги ўринлари нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва бугунги кун ҳамшираси ҳар томонлама етук мутахассис бўлаолиши учун бор имкониятлардан тўла фойдалана билиши учун янада ўз билимлари устида изланишлари кераклигини таъкидлаб ўтди.

«Ҳамширалик иш»нинг бошқариш мазмунига бағишланган йиғилишнинг биринчи кунда тажрибали мутахассислар маъ-

руза қилдилар. Шунингдек, Япония мамлакатига ўз тажриба кўламлигини бойитиб қайтган ҳамшираларимиз ҳам, жамоаларида олиб борган ишлари яъни ҳамкор дўстларининг тажрибаларидан ўрганиб қайтган янгиликларни Ўзбекистон шароитига мослаштириб амалга ошираётганликлари тўғрисидаги ўз фикрларини

ЛЕЧИТЬ ТОЛЬКО ХОРОШО

И. РУЗИЕВ, заведующий отделением реанимации Кашкадарьинской областной детской больницы:

— Нынешней год мне и многим моим коллегам, стоящим у истоков новой жизни, помогать во много раз увереннее и сильнее в профессиональном плане. Сегодня мы обладаем обширными знаниями и современными методами, необходимыми, чтобы снизить до минимума разного рода угрозы для матери во время родов, выхаживать и отстоять хрупкую жизнь ребенка, даже если маленький человек родился ослабленным. Очень продуктивной оказалась наша недавняя трехнедельная стажировка в Киевской медицинской академии постдипломного образования. 35 акушеров-гинекологов, педиатров и детских реаниматологов из районов республики, направленных на курсы повышения квалификации, переняли у украинских ведущих специалистов самые передовые приемы, обеспечивающие надежную ЗАЩИТУ здоровья женщин и детей.

За последние три года в сферу здравоохранения привлечено 86,8 млн. долларов США. В том числе в виде кредитов почти 62 с половиной миллиона долларов, на которые было приобретено современное оборудование.

Сегодня медики ОБЯЗАНЫ лечить качественно. Ведь прежде не было такого, чтобы рядовые врачи из самой глубины посылались за границу на учебу. Независимое же государство проявляет огромный интерес, чтобы отечественная служба здоровья во всех своих звеньях достигла высокого уровня. Взяв, к примеру, хотя бы нашу больницу. Наверное, захудалее ее до недавнего времени трудно было сыскать. Даже вместо стекол заколоченная фанера, не говоря уже о чем-то другом. Теперь это современнейший лечебный комплекс, только на реконструкцию которого ушло 112 миллионов сумов. Не отстаем от других и по техническому оснащению. Приятно, что не уступаем в умениях и знаниях зарубежным специалистам. Все это способствует гарантии качества медицинской помощи, оказываемой узбекистанцам.

ружга бўлинишиб, ўз тақлиф ва фикрларини ўртага ташладилар. Сунгра гуруҳлар билан ҳолда ўз ечимини топа олмаётган долзарб муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилишни келишиб олдилар.

Демак, ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Ҳамширалик иш»даги бошқариш» ўзига хос йўналишда олиб борилсагина фаолиятдаги самарадорлик ўз натижасини бера олишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Шу нарсани назарда тутмоқ лозимки, босқичма-босқич олиб

борилаётган ишларнинг ҳар бири, гўёки занжирдек бир-бирига боғлиқлик кетаверади. Шу йўсинда асосий мақсаднинг асл моҳияти нимадан иборат эканлиги иш жараёни вақтида келиб чиқаверади.

(Йиғилиш тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларида танишасиз).

А. НУРАТДИНОВ
суратлари.



ОНА ВА БОЛА

ГЎДАКЛАРИНИ ОНА СУТИ БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРАЙЛИК!

Маълумки, БМТнинг болалар ҳамғармаси ЮНИСЕФ, Гўдакларни она сuti билан боқилиш кўлаб-қуватлаш халқаро дастури бўйича бир неча йиллардан бери иш олиб

бормоқда. Яқинда Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси «Бизнес маркази» залида юқоридagi дастур юзасидан икки кунлик халқаро кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг муовини А. Комилов, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг координатори С. Авантисин, «Қозғонистон оқватлашиш академияси» епик турдаги ҳисдорлик жамиятининг президенти, академик Т. Шарманов, профессор Т. Чувалова, шунингдек вилоят, туманлар соғлиқни сақлаш муассасалари ва жамоатчилик илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, педиатр, гинеколог-шифокорлар, МДХ мамлакатлари мутахассислари ҳам иштирок этди. Йиғилишдан қўзланган асосий мақсад, ўртасида она сuti

— бола соғлиғи учун жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва чақалоқларни суний сuti воситалари билан боқилиш уларнинг соғлом ўсишига салбий таъсир кўрсатишини тарғиб қилишдан иборат. Гўдакларни она сutiдан маҳрум қилиш, суний озиқлантиришда йўл қўйилган ҳатолар ва бу маҳсулотлар сифатининг пастлиги кўп ҳолларда қақалоқларнинг ноғуд бўлишига олиб келмоқда. Гўдаклар учун суний озиқ-овқат ҳарид қилишда йилига 8 миллиард АҚШ долларида ошқиб маблар сарфланади. Буни ҳисобга олсак, мазкур соҳа бу қадар жиҳдий муҳокама бўлаётганининг асл сабаби аён бўлади.

Академик Т. Шарманов:

— Бугунги кунда гўдакларни кўкрак сuti билан озиқлантириш маъноси тараққий қилган ва иқтисодий аҳоли ноғор мамлакатларда ҳам энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан АҚШда ёш болали оналар бизнесни биринчи ўринга қўйиб, гўдакларни кўкрак сutiдан маҳрум қилмоқда. Жанубий Африка, Покистон, Хиндистонда оналарнинг моддий аҳоли оғир. Оналар ҳақи оғирлашмайди, сuti етишмаслиги сабаб гўдакларини арзон, сифатсиз, суний сuti воситалари билан озиқлантирмоқда. БМТнинг 1989 йил 20 ноябрда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш конвенциясининг 24-бандига биноан ҳукуматга болалар ўлимини камайтириш ва чақалоқларда озиқ-овқат етишмаслиги сабаб пайдо бўладиган касалликларнинг олдини олиш мажбурияти юклатилган. 1990 йилнинг августидан 30 та мамлакатдан келган ҳукумат вакиллари иштирокида ушбу масала юзасидан Флоренция (Италия) шаҳрида катта учрашув бўлди. Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган бутунжаҳон халқаро кенгашида 4 та асосий масала ўртага ташланди:

— гўдакларни кўкрак сuti билан озиқлантиришга тўсқин бўлаётган муаммоларни ўрганадиган ва ҳойларда унинг қумита-

ларини ташкил қиладиган миллий координатор вазифасини йўлга қўйиш;

— барча корхона ва ташкилотлар болалик оналарга гўдакни кўкрак сuti билан боқилиш учун шарт-шароитларни яратиши лозим;

— Халқаро кодекси қонунлари ва Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг кўрсатмаларига қатъий амал қилиш;

— меҳнат вазифасини давом қилдираётган болалик оналарнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ва гўдакларни кўкрак сuti билан озиқлантиришга қаратилган қонунлар жорий қилиш.

Сунгги йилларда болаларни кўкрак сuti билан озиқлантириш қобилиятига эга бўлган оналар ҳам ёлпасига суний воситалардан фойдаланишмоқда. Муаммоларнинг иқтисодий омиллари:

— оналарнинг вақтли ишга қайтишга мажбур эканлиги;

— суний озиқ-овқат воситаларининг ашаддий реклама қилиниши ва уларнинг ошдириб, нотўғри тарғиб қилиниши;

— иқтисодий инқироз;

— ҳимийвий маҳсулотларнинг соғлиқни сақлаш муассасаларида ёш болали оналарга фойдали

восита сифатида тавсия қилиниши.

Кўп ҳолларда нотўғри ахборотлар оналарни суний маҳсулотлар таъсирига тушириб қўймоқда. Оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш муассасалари суний сuti билан боқилиш учун хавфли, зарарли эканлиги ҳақида тўғри ахборотлар тарқатаётгани. Ҳар кунни зангори экран орқали Nestle — суний ичинг ва соғломат бўлиг дея янғираётган гапларга нечоғлик ишонши мумкин? Биз бу гаплар билан Nestleга қарши ташвиқот уюштирмоқчи ёки уни сотиб олишни бутунлай таъқиқламоқчи эмасмиз. Бу маҳсулот минглаб гўдакларнинг оғир касалликларига сабаб бўлмоқда дея ахборот тарқатаётганлар ўз фойдасини қўлаётган рақобатчилардир. Суний сuti маҳсулотларини фақат шифокор тавсияси билан истиёмол қилишга рухсат бериш лозим.

2001 йилда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг 54-Ассамблеясида гўдакларни она сuti билан озиқлантиришга қаратилган Резолюция қабул қилинди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, оналарнинг соғлом ўсишида она сutiга тенг келадиган бебаҳо неғмат йўқ. Она сutiдан баҳраманд бўлмайдиган болалардан носоғлом насл етилиб чиқади. Бундай насл жамият тараққийотида иқтисодий зарар етказиши мумкин. Болаларнинг соғлом тақдирини бугундан ўйлаб, ақл билан иш юртсак, озага келиши мумкин бўлган зиддиятларнинг илдизига болта урган бўламиз. Соғлом авлодни воқга етказиш ҳар биримизнинг виждоний бурчимиздир.

Рашид ОРТИКОВ.



билдирдилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизда меҳмон бўлиб турган Япониянинг Ўзбекистондаги халқаро агентлигининг (JICA) «Ҳамширалик иш» бўйича эксперти Кикуко Урата ҳам республикамиз вилоятларидаги «Ҳамширалик иш»нинг қандай даражада олиб борилётганлигини батафсил гапириб, ўз мулоҳаза ва тақлифларини билдирди.

Йиғилишнинг иккинчи кунда бош мутахассислар фаолиятларидаги ишлар асосида лойиҳа олдилар. Ушбу лойиҳаларнинг муддати 3 ойгача белгилаб олинди. Ундан сўнг иштирокчилар 4 гу-

«Ҳамширалик иш»нинг бошқариш мазмунига бағишланган йиғилишнинг биринчи кунда тажрибали мутахассислар маъ-



Огоҳ бўлинг!

ОИТС — XX асрнинг охирида инсоният ҳаётига пайдо бўлган энг даҳшатли офат ҳисобланади. Хозирги кунда АҚШ АСР ВАБОСИ деб ном олган бу юқумли касаллик миллионлаб одамларнинг ёштини қуршмоқда. Дунёда, шу йили СПИДга дучор бўлган беморларнинг 63 миллиони аниқланди. Шулардан 25 миллиони муҳтисс касаллигининг қурбони бўлди. Ер юзига, бир йилда 5 миллион, бир кунда 6 мингдан зиёд одамлар орттирилган иммунитет танқислиги вирусини юқтирмоқда. Ўн беш йил олдин СПИД биздан анча узоқда АҚШ, Африка мамлакатларига хос касаллик деган ўй билан яшар эдик. Уятт Ўзбекистонга ҳам кириб келди ва унинг сони сезиларли даражада ўсмокда.

Муаммонинг бугунги кундаги аҳоли, касаллигининг олдини олиш ва унга қарши чоратadbирлар хусусида оммани хабардор қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика ОИТС (СПИД) марказида бўлди. Сухбатдошимиз олий тоифали шифокор Бахтиёр Мадаминов.

— Ўзбекистонда орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)нинг бугунги кундаги аҳоли қандай?

— ОИТС — ретровируслар гуруҳига киради. Ушбу вируснинг геноми (урғочи бўлакчаси) одам геноми ичига жойлашиб олиб, организмни зарарлайди. Асосан қондаги лимфоцитлар (шунингдек моноцитлар, макрофаглар, бош мия, орқа мия суюқлиги) ичига кириб олиб, муҳим органлар фаолиятини издан чикаради. Шу йилнинг июнь ойи маълумотларига кўра республикада 1399 та бемор ВИЧ-вируси билан зарарланган. Шулардан 1230 таси эркаклар, 169 таси аёллар. ВИЧ-вирусини асосан: гиёхвандлар, гомосексуал ва гетеросексуал алоқада бўладиган эркаклар, фохишалар тарқатмоқда. Вирус онандан ҳомилага ўтиш ҳолати 2 кишида аниқланди.

— Рақамлар қанчалик аянчли бўлмасин, ўқувчилар учун вилоятларимиздаги ҳолатни ҳам тавсифлаб бера оласизми?

— Ҳа албатта. Бу маълум дардга учраганларнинг 835 таси гиёхванд ва уларнинг 124 таси оғир жиноят содир қилганлиги учун қамокда ўтирибди. 163 таси бeтaртиб жинсий йўл билан вирусни ўзига юқтирганлар ва улар ҳозирги кунда доимий диспансер назоратида. 51 та чет эл фуқаросида ВИЧ-вируси борлиги сабаб, ўз юртига жўнатиб юборилди. 49 та бемор ҳаётдан кўз юмди. Юқорида айтиб ўтган 1399 та беморлар республикамизнинг барча шаҳар ва вилоятларидан топилган. Жумладан:

Тошкент шаҳрида — 680 та;

Тошкент вилоятида — 371 та;

Сурхондарё вилоятида — 47 та;

Фарғона вилоятида — 39 та;

Самарқанд вилоятида — 32 та;

ноий жавобгарликка тортилди. К. исмли «секс-тижорат ходими» инфекцияни ўзига юқтириб, фохишалик қилганлиги учун саккиз йил қамок жазосига маҳкум этилди. Беморнинг ҳатти-ҳаракатидан унинг яқинлари доимо хабардор бўлиши ва ўз вақтида тегишли органларга мурожаат қилиши зарур.

— СПИД касаллигини даволаш мумкинми?

— Бу борада бутун жаҳон бўйлаб кўпгина уринишлар давом этмокда. Ҳар хил

ҳатто циклосерин А-лар ҳам қўтилган натижаларни бермади. Тўғриси айтганда бу дардни даволаш энг оғир муаммолардан бири бўлиб қолмокда. ВИЧ-вирусини юқтирмаслик учун:

— гиёхвандлик, игна орқали томирга оғу юбориш каби ёмон иллатлардан сақланиш;

— бeтaртиб жинсий ҳаётдан тийилиш;

— шахсий гигиенага риоя қилиш;

— тасодифий жинсий алоқалар пайтида филофчадан

жагига аёллар ҳалақит беришини у яхши биларди. Нима қилсин. У ҳам эркак. Ҳаётдан лаззатланишга ҳақли. Қолаверса, бeтaртиб ҳаёт кечирадиганлардан эмас. Суюқоёқ қизларни кўрса кўнгли айналдиганлардан. Бир кунлик жаннатга ўхшаб кетган тун Димага қимматга тушди. Соҳибжамол Белла фариштадек кўздан йўқолди. Йигитнинг тахлилида ВИЧ-вируси топилди. Бу зиддизаҳар одам танасига тушгандан кейин ҳам 8 йилгача яшарин ҳолатда озикланиши мумкин. Шунинг учун кўпчилик вирус юқтирганини сезмайди. Бошқаларга ҳам юқтириб, соғлом одамдек ҳаёт кечирадилар. Мен Димага жуда ачинардим. У жабдор,

ўта хавфли гиёхванд беморлардан бутунлай бошқача, ажойиб ҳулқ-атворли, жамиятга фойдаси тегиши мумкин бўлган яхши мутахассис эди. Даволанишга келганда доимо ўзини айблади. Касалликдан хавотирланиши унга тинчлик бермади. Охир оқибат ўз жонига қасд қилди.

Яна бир воқеа. Узоқ юртларга юк ташийдиган наманганлик бир йигит ҳар хил қизлар билан тартибсиз жинсий алоқада бўлган. Унинг соғ-саломат келишини орзиқиб кутадиган жуфти-ҳалолига вирусни юқтирган. Оқибатда эр-хотин, туғилган гўдак ҳаётдан кўз юмди. С. исмли аёл африкалик эридан ажралиб, Тошкентга келди. 2 яшар қизи ҳам бор. Аёл жуда ишбилармон. Бировга муҳтож эмас. Собиқ эрининг эски танишлари Зинбабведан бир кун уникига меҳмон бўлиб келишди... Аёл 5 йилдан кейин шу воқеани эсланганда у ВИЧ-вируси билан қасд тортар эди. Касаллики онасига, қизига юқтирмасдан 15 йил яшади. Ўлими олдинда ҳақиқатни ошкор қилганида ҳеч ким бу гапларга ишонмас эди. Жамол исмли гиёхванд йигит, яхши тарбия кўрган Мунисаннинг бошини айлан-тириб унга уйланди. Жамол гиёхвандлик, бузуқчилик каби иллатлардан ўзини тия олмади. Бедаво дардга учраб, Мунисани ҳам хонавайрон қилди. Хотиннинг ўлими унинг кўзини очмади. У гиёхвандлик, фахш ишларига баттар муккасидан кетди. СПИДдек «аср вабосига» мубтало эканлигидан заррача сикилмайдиган. Ота-онасига фақат ташвиш орттириб яшамоқда.

Ҳар хил тақдир, ҳар хил қисмат. Савол туғилади. Инсон Яратганининг ва табиатнинг қонуналарини бузиб яшаётганлиги учун ҳам бу офатнинг қурбони бўлмаяптимикин?

Азиз муштарийлар шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларингизни бизга ёзиб юборинг!

Абдул РАШИД.

ОИТС — АТОМ БОМБАСИДАН ҚОЛИШМАЙДИГАН ДАҲШАТЛИ ОФАТ



Бухоро вилоятида — 22 та;

Андижон вилоятида — 18 та;

Хоразм вилоятида — 14 та;

Навоий вилоятида — 10 та;

Қолган вилоятларда 10 тагача.

Қорақалпоғистон Республикасида ОИТС рўйхатга олинмаган. Рақамлардан кўриниб турибдики, гиёхвандлик, томирга нина санчиш оқибатида 60 фоиз, бeтaртиб жинсий ҳаёт сабаб 11,6 фоиз одамлар ВИЧ-вирусини юқтиришган.

— Қонда касаллик аломати топилган беморларга СПИД маркази қандай ёрдам ва кўрсатмалар беради?

— ОИТС вирусни топилган тақдирда беморлар доимий тиббий назорат остига олинади. Марказ врачлари томонидан уларнинг оилада ўзини қандай тутиши, жамоат ичида касаллигининг тарқалиб кетмаслик шарт-шароитлари тушуинтирилади. Хасталикнинг аломатлари авж олса, СПИДнинг белгилари пайдо бўлса, беморлар шифохонага ётқизилиб бепул даволанади. Уларнинг аҳолини яхшилаш учун барча муолажалар қўлланилади. Касалликини юқтирган беморлар қонун олдида жи-



кимёвий тузилишларга эга бўлган вирусга қарши самарали таъсири синтетик восталар тайёрланмокда. Аммо, биологик шароитда организмда уларнинг таъсири чипакка чиқмокда. Иммунизими фаолиятини яхшилаш, қайта тиклаш мақсадида турли хил интерферонлар, ҳар хил дунё тажрибаларига оид даволаш муолажалари,

фойдаланиш зарур.

Бир қарашда қора ажалнинг тузоғига илинганлар Худонинг қарғишига қолиб, дўзах томон югуриб, чопиб кетаётгандек бўлиб туюлади назаримизда. Аслида ҳам шундаймикин? Йўқ! Бу офатнинг жабрини беғуноҳ гўдаклар, ахлоқ-одобли аёллар, тарбияга муҳтож ёшлар ҳам тортмокда. Энг ачинарлиси, бундай беморлар айбсиз айбдор сингари ҳаёт билан ҳайрлашмокда. Уларнинг қисматида кимдир ачинади, кимдир нафратланади, кимдир йиғлайди... Ўн икки йилдан буён беморларнинг изтиробларига ҳамдард бўлиб келаётган инфекциянист врач Маргарита Давидян шундай дейди:

— Диманинг ҳамма нарсаси ўзига етарли, яхши оилада тарбия кўрган, олий маълумотли, ақлли, келажакда уни ажойиб мавқе-мартба кутмокда эди. Тошкентга келиб фотомодель Синди Кроуфордга ўхшаб кетадиган сирли, соҳибжамол, «соғлом» қиз Беллани учратиб қолди. Ресторандаги романтик тушликдан сўнг Дима бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Кела-

СПИД касаллигининг юқиш йўллари:

- вирус ташувчи билан жинсий алоқа қилганда;
- ҳаттоки жинсий аъзо шиллиқ қаватининг бутунлиги озгина бузилганда;
- стерилланмаган игна, шприц ва жарроҳлик буюмлари ишлатилганда;
- зарарланган қон ёки қон маҳсулотлари қўйилганда ва тана аъзолари (юрак, буйрак ва бошқалар) кўчирилиб ўтказилганда.

СПИД қуйидаги ҳолларда юқмайди:

- ўпишганда;
- сув ҳавзасида бирга чўмилганда;
- қўл бериб кўришганда;
- йўталганда, аксирганда ва кўз ёши орқали;
- чивин чакқанда;
- ҳайвонлар тишлаганда;
- овқатланиш буюмларидан;
- умумий хожатхонадан фойдаланганда.

Хавфли гуруҳлар:

- гиёхвандлар;
- аёл ва эркаклар билан жинсий алоқа қилувчилар (бисексуаллар);
- бир хил жинсдагилар билан жинсий алоқа қилувчилар (гомосексуалистлар);
- фохишалар.

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА СТАНДАРТИЗАЦИЯСИ ДАВЛАТ МАРКАЗИ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ ТОМОНИДАН 2002 ЙИЛ ИЮЛЬ ОЙИДА СИФАТ НАЗОРАТИДАН ИЖОБИЙ ЎТГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ РЎХАТИ

№	Дори воситасининг номи	Ишлаб чиқарувчи фирма номи	Серияси	Ярокли-лик муддати	Тахлил-нома тартиб рақами	Дори воситасини тавсия этган ташкилот номи
34.	Цитрамон П таблеткаси №6	ОАО «Дальхимфарм», Хабаровск ш.	1780402	05.2006	144	ХФ «Малхам Фарм»
35.	Цитрамон П таблеткаси №6	ОАО «Дальхимфарм», Хабаровск ш.	2100602	07.2006	145	ХФ «Малхам Фарм»
36.	Цитрамон П таблеткаси №6	ОАО «Дальхимфарм», Хабаровск ш.	2140602	07.2006	146	ХФ «Малхам Фарм»
37.	Цитрамон П таблеткаси №6	ОАО «Дальхимфарм», Хабаровск ш.	2160602	07.2006	147	ХФ «Малхам Фарм»
38.	Амосин 0,25 г таблеткаси №10	АКО «Синтез», Курган ш.	210302	04.2004	228	Ф «Асклепий»
39.	Амосин 0,25 г таблеткаси №10	АКО «Синтез», Курган ш.	260302	04.2004	229	Ф «Асклепий»
40.	Амфотерицин В 1 г да 30000 ТБ суртмаси 15 г	АКО «Синтез», Курган ш.	6112000	12.2002	252	Ф «Асклепий»
41.	Аскорбин кислотаси 0,05 г драже №200	ЗАО «Верофарм»	330302	10.2003	245	Ф «Асклепий»
42.	Бифосин креми 1% 30 г	АКО «Синтез», Курган ш.	20601	07.2003	219	Ф «Асклепий»
43.	Доксициклин гидрохлорид 0,1 г капсуласи №10	АКО «Синтез», Россия	10402	05.2006	224	Ф «Асклепий»
44.	Корвалол 25 мл	АКО «Синтез», Курган ш.	140102	08.2003	225	Ф «Асклепий»
45.	Корвалол 25 мл	АКО «Синтез», Курган ш.	50102	08.2003	226	Ф «Асклепий»
46.	Нафтизин 0,1% эритмаси 10 мл	АКО «Синтез», Курган ш.	1131101	12.2004	222	Ф «Асклепий»
47.	Оксамп 0,25 г капсуласи №20	АКО «Синтез», Курган ш.	12122000	01.2003	242	Ф «Асклепий»
48.	Пирацетам 0,4 г капсуласи №20	АКО «Синтез», Курган ш.	30101	02.2004	243	Ф «Асклепий»
49.	Проксодол 1% кўз томчиси 5 мл	АКО «Синтез», Курган ш.	10102	02.2004	238	Ф «Асклепий»
50.	Синэрит таблеткаси 0,25 г №10	АКО «Синтез», Курган ш.	20302	04.2004	239	Ф «Асклепий»
51.	Сульфацил-натрий 20% кўз томчиси 5 мл	АКО «Синтез», Курган ш.	30402	05.2004	240	Ф «Асклепий»
52.	Тетрацилин суртмаси 1% 3 г	АКО «Синтез», Курган ш.	10402	05.2005	223	Ф «Асклепий»
53.	Феноксиметилпенициллин 0,25 г таблеткаси №10	АКО «Синтез», Курган ш.	120202	03.2006	256	Ф «Асклепий»
54.	Феноксиметилпенициллин 0,25 г таблеткаси №10	АКО «Синтез», Курган ш.	30202	03.2006	257	Ф «Асклепий»
55.	Эритромицин 0,1 г таблеткаси №10	АКО «Синтез», Курган ш.	141201	01.2004	247	Ф «Асклепий»

Эслатма: юқорида кайд этилган сериядаги дори воситаларини сақлаш, ташиш қондаларига риоя қилиб, сотувга қўйилганда, ҳамда қадоклаш (упаковка) ва жиҳозлаш (маркировка) кўрсаткичлари меъёрий ҳужжатлар талабига явоқ берган ҳолларда уларни кўрсатилган сақлаш муддати тугагунча мажбурий қўшимча сифат назоратидан ўтказилиши шарт эмас.
Қадоклаш ва жиҳозлаш кўрсаткичлари бўйича шубҳа туғилган ҳолларда зудлик билан дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасига тегишли маълумот йўллансин.

А. ДҲСМАТОВ,
Дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш лабораторияси мудири, к.ф.н.

Ибрат

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

Шифокорлар юракни инсон вужудининг султони дейишади. Бу – ниҳоятда тўғри таъриф. Ҳақиқатан ҳам, шу кичкина жисм наинки инсон вужуди, балки рухиятини ҳам бошқаради. Юрак билан тиллашмоқ ҳар кимнинг ҳам қўлидан келармийдиган гоёат сермашақат ва масъулиятли ишдир. Аммо қўлгина гурланликлар бу борада олий тоифали шифокор Рўзимбой Нурматовга аллақачон тан беришган десак, муболаға бўлмайди. Туман шифохонасининг у хизмат қилаётган бўлимида инсон ички аъзоларидаги қўлгина касалликлар билан бирга юрак-қон томир хасталигига чалинган беморлар ҳам даволандилар.

– Ҳали талабалик йилларимдаёқ юрак дўхтирлигини ҳавас қилганман, – дейди у. – Бирок, юрак билан ҳазиллашиб бўларканми? Хуллас, ана шу кичкина жисмни ўз исқанжасига олган дардди даволаш учун билимнинг ўзи камлик қилади, деган хулосага келдим ва бор илмимни

амалда ёрқинроқ намоён этишга, малакамни ошира боришга интилдим. Орузимга тўла эришдим, деб айтолмайман. Негаки, ҳали қўллаб хасталиклар жиловланганича йўқ. Ўзимнинг эса билганларимдан билмаганларим кўпроқ деб ҳисоблайман.

Ушбу фикрдан хулоса шуки, шифокор учун ҳар куни қанча беморни қабул қилишию қимлар билан суҳбатлашиши мезон эмас. Гап муолажа ва унинг сифати, самарасида. Шифокор учун энг муҳими ҳузурига юқиниб келган беморни дарддан ҳалос этишдир.

Худди мана шу ҳолат шифокор Рўзимбой Нурматовнинг касбий шиори ҳисобланади. У ушбу максдани олий шифокорлик илм масканини тугаллаб, мустақил меҳнат қучоғига келган кезлардаёқ дилгига туккан эди. Гурлан туман поликлиникасида оддий врач, сўнгра ўсимлар бўлими мудири, юқумли касалликлар шифокори вазифаларида ишлаётган йилларида бу ният-ўй янада ёлқинланди.

Рўзимбой Нурматов айни кунларда туман марказий касалхонасининг энг йирик ҳисобланган терапия бўлимини бошқарпти. Унда, асосан, инсон ички аъзолари хасталигига дучор бўлган беморлар даволанишади. Юрак-қон томир касаллиги билан оғриганлар эса беморлар орасида кўпчилики ташкил этади. Шифокорнинг фикрича, ҳар бир хасталикнинг малҳами авваламбор – сўз. Ҳар қандай зўр дори-дармон ҳам бир оғиз ширин каломнинг ўрнини босиши амри маҳол. Сўз уйғунлигидаги дори-дармон муолажаси беморни ҳар қанча оғир касалликдан фориғ этишга қодирдир.

Рўзимбой Нурматов шулар хусусида уйлarkan, эндиликда тарихига айланган қизик бир воқеани хотирлади. Анча йиллар муқаддам жисмидан ҳам кўра, руҳи кўпроқ зўриққан бемор соҳа шифокорига учрайди. Шифокор унга икки-уч йиллик умри қолганлигини «башорат» қилади. Уқис қалбли бемор яқин биродарлари мас-

лаҳатлари билан Рўзимбой Нурматовга мурожаат этади ва ойлаб унинг қўлида даволанади. Даво муддати тугаб, бемор уйига жўнаб кетади. Фақат орадан бир неча йил ўтган, шифокорнинг уйига қадам ранжиди қилади. «Шунча йиллардан кейин сизни йўқлаб келишдан ҳижолатдаман, – дейди у. – Гапнинг рости, гарчи қўлингизда даволанган эсамда, барибир, ўлимимни кутдим. Аммо ўлмадим. Энди эса ўлмаслигимга ўзим ҳам ишондим. Ўлмай қолишимга кўзим етган, мана, бир миннатдорчилик айтий деб, ҳузурингизга келдим».

Бу англис мисолларни шифокор Рўзимбой Нурматов иш тажрибасидан жуда қўллаб келтириш мумкин. Аммо бунга ҳоҳат йўқ. Ҳозирда у раҳбар бўлимда Бозорбой Отажоновдек тажрибали врачлар, Санобар Раҳматуллаева, Замира Матосуповлардек меҳрибон ва дилкаш ҳамширалар меҳнат қилишмоқда. Гурланликлар ушбу маскандан ҳамisha эзгулик ёддулари таралишини, юқини келувчилар доимо ўз дардларига шифо топа олишларини яхши билишади.

Малика ҲОЗБОВА,
Хоразм вилояти.

ПРЯМАЯ ЛИНИЯ

Здравствуйте, дорогая редакция!

Хочу рассказать о врачах, об этой благородной и необходимой профессии и еще о том, какие врачи бывают разные.

Лет 20 назад я впервые обратилась к своему участковому врачу. Знаете, когда я впервые ее увидела – это обаятельное лицо, внимательные глаза, ослепительный голос – я была покорена ею. Столько доброты и заботы я увидела в ней, все выслушает, проведет доскональный осмотр, спросит даже о том, на что не жалуетесь, и в основном прием длится около 10-20 минут. Очередь, конечно, нервничает, что так долго. А я говорю: «А вы бы хотели, чтоб вас принимали 1-2 минуты, за которые даже не успеете рассказать про свои болячки?». И все успокоились: какая бы очередь ни была – доктор примет всех обязательно, а потом еще пройдет по домам, навестит тяжелобольных. Она за каждого больного, действительно, болеет душой. Когда мою маму парализовало, после выписки из больницы она лежала у моей сестры, на участке другого врача. Но я попросила своего доктора, и она через 2-3 дня ходила к ней, осматривала, делала уколы, посылала медсестру для взятия анализов (правда, медсестра к своим обязанностям отнеслась спустя рукава). Многие приходили со своими проблемами, и всех она принимала, даже подростков, хотя это и не ее обязанности. Этот замечательный человек, мой доктор, живет в Янгиеве. Сейчас она зав. поликлиникой № 5. Я преклоняюсь перед ней и люблю ее. Зовут ее Омишева-Чумаченко Светлана Федоровна. Мама у нее – тоже врач, сейчас она на пенсии, но весь Хавас дала сих пор с теплотой отзываться о ней. И дочь Светланы Федоровны училась очень хорошо, мечта была быть, как бабуля и мама – доктором, поступила в медицинский институт. Но денег не хватило – учеба контрактная. Жаль, что мы не получим еще одного хорошего врача...

Когда моя мама уехала к себе домой в Алма-Ату, через четыре года у нее случился повторный инсульт. Ее участковый лечащий врач жила прямо за нашим домом. Но, проходя мимо нашего дома утром и вечером, не разу не зашла, чтобы узнать, как ее больная. Чувствуете разницу?

В декабре 2001 года я переехала в Ташкент. До этого я иногда приезжала и ходила два раза в поликлинику №16 с просьбой дать направление на УЗИ, т.к. очень беспокоила вся правая сторона – у меня хроническое холецистит, пиелонефрит и гепатит, – но ни разу меня не осмотрели, даже пальцем не дотронулись, на каком-то листочке написали: попейте то и то и через 10 дней приходите. И даже ни одной даты моего прихода и ни одной жалобы не записали. Лечащие врачи всегда были разные.

В январе 2001 года мне было плохо, вызвали ночью «скорую» (приступ гипертонии), на другой день вызвали на дом врача, которого я попросила дать направление на УЗИ – и опять никакой реакции.

В середине июня 2002 года я вновь пошла на прием, но к врачу не попала, т.к. она работала с утра, взяла свою карточку и пошла домой. И что же я вижу в карточке? Что еще в январе 2001 года я сдавала анализы, на меня завели сигнальный лист, я обошла врачей по типу медосмотра. Потом записано, что в марте 2001 года и в марте 2002 года я снова сдавала анализы и даже были записи врачей о медосмотре. И оказывается, у меня уже все хорошо!

Как же это получается, что я в глаза не видела ни одного врача, ни одного лаборанта? Откуда такие записи? Написать направление на УЗИ – время и желания нет, а липовые записи и анализы сделать совесть позволяли. Разве можно доверить свою жизнь таким «специалистам»?

Вот такие врачи – абсолютная противоположность, как небо и земля, и столько обиды у меня накопилось, что я решила написать вам.

Вот теперь, положив руку на сердце, скажите – к какому бы вы врачу пошли с удовольствием?

С уважением,
СУМБАЕВА Н. С.

ФАОЛИЯТЛАРИ ДАВОМИДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЛИЦЕНЗИЯЛАРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ТУГАТИЛГАН ЮРИДИК ШАХСЛАР РЎЙХАТИ

№	Ташкилот, корхона, дорихона муассасасининг номи ва манзили	Лицензия рақами ва берилган сана	Лицензия бериш ҳайъати қарорлари
1.	«Дурдона» хусусий дорихонаси – Навбахор туман, Янгикўрғон фуқаролар йиғини	0569 3.08.99й.	26.06.02й №9
2.	«МММ-96» хусусий дорихонаси – Гиждувон т-н, А. Гиждувоний жамоа ҳўжалиги	П0597 25.03.99й	1.08.02й №11
3.	«Дилшод» хусусий дорихонаси – Шофрикон туман, Ж.Сатторов ж/х	№1020 2.02.00й	1.08.02й №11
4.	«Гўзал» хусусий дорихонаси – Ромитан т-н, Наврўзов кўчаси, 29	П-0572 25.03.99й.	1.08.02й №11
5.	«Тоҳир ШХ» хусусий дорихонаси – Шофрикон т-н, Ҳайдаров ж/х	№0973 20.01.00й	1.08.02й №11
6.	«Хамро» хусусий дорихонаси – Вобкент туман, Бобур кўчаси	П-0591	1.08.02й №11
7.	«Дармон» ишлаб чиқариш фирма дорихонаси – Вобкент туман, Бобур кўча, 40/1	П0581 25.03.99й	1.08.02й №11
8.	«Дилшод» хусусий дорихонаси – Когон т-н, Когон ш., 2м/р, 2-уй	П0274 20.03.99й	1.08.02й №11
9.	«Баҳодир М» хусусий дорихонаси – Бухоро ш. Мустақиллик кўчаси, ёпиқ бозор	П0619 25.03.99й	1.08.02й №11
10.	«Сукрот» мчж дорихонаси – Бухоро ш. Мустақиллик кўчаси, 24/6-уй	№0950 4.01.99й	1.08.02й №11
11.	«Чарос Эрк» ХИЧТФ дорихонаси – Самарқанд ш. Ҳўжаев кўчаси, 5-уй	№0262 8.06.99й	1.08.02й №11
12.	«Монучеҳр» хфд – Самарқанд тумани, Оқмачит қишлоғи	№1064 29.02.00й	1.08.02й №11
13.	«Раҳимий» хусусий дорихонаси – Самарқанд т-н, Ровонак қишлоғи, Ваҳобов кўчаси	П1137 1.04.99й.	1.08.02й №11
14.	«Парвиз» хфд – Самарқанд ш., А. Темур к., 149	№1540 13.03.01й	1.08.02й №11
15.	«Фарход» хфд – Самарқанд ш., 8-март кўчаси, 8-уй	№0335 8.06.99й	1.08.02й №11
16.	«Ашур Карвон» хфд – Самарқанд ш., Фирдавсий кўча, 156-уй	П1107 1.04.99й	1.08.02й №11
17.	«Ибодилло» савдо ишлаб чиқариш корхона дорихонаси (шаҳобча)-Қизилтепа туман, Ўзбекистон шох кўча, 4-уй (Шаҳобча-Марказий бозор)	№1245 13.06.00й	1.08.02й №11

ФАОЛИЯТЛАРИ ДАВОМИДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЛИЦЕНЗИЯЛАРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ 3 ОЙ МУДДАТГА ТЎХТАТИЛГАН ЮРИДИК ШАХСЛАР РЎЙХАТИ

1.	«Дилором» – Гиждувон т-н, Жабборов ж/х	№0002 15.03.99й	1.08.02й №11
2.	«Малик» хусусий фирма дорихонаси – Самарқанд ш., Нарпай кўчаси, 1-уй	П-2208 30.04.99й	1.08.02й №11

ЎЗ АРИЗАЛАРИГА МУВОФИҚ ЛИЦЕНЗИЯЛАРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ТУГАТИЛГАН ЮРИДИК ШАХСЛАР РЎЙХАТИ

№	Ташкилот, корхона, дорихона муассасасининг номи ва манзили	Лицензия рақами ва берилган сана	Лицензия бериш ҳайъати қарорлари ва санаси
1.	«Илҳом Муқимжонов-56» дорихонаси – Тошкент ш.	П0877 1.04.99й	16.07.02 й №10
2.	«АСК фарм» мчж дорихонаси – Тошкент ш.	№1470 30.01.01й	16.07.02 й №10
3.	«Сумбула» фирмаси дорихонаси – Қашқадарё вил.	№1249 13.06.00й	16.07.02 й №10
4.	«LOTOS KOR» Шўъба корхона дорихонаси – Тошкент шаҳар	2168 31.01.02 йил реестр рақами – 825-02	26.06.02 й №9
5.	«Лолахон» хусусий фирма дорихонаси – Тошкент шаҳар	1868 23.08.01 й реестр рақами – 485-01	26.06.02 й №9
6.	«Хикматхон» хфд – Тошкент ш.	№1507 21.02.01 йил	16.07.02 й №10
7.	«Ўткир» ХЖ дорихонаси – Самарқанд вил.	П1171 1.04.99й	1.08.02й №11
8.	«КАБ» мчж дорихонаси ва шаҳобчаси – Тошкент шаҳар	П1573 14.04.99й	1.08.02й №11
9.	«Лола-Тюльпан» хусусий дорихонаси – Жиззах вилояти	П0025 15.03.99й	1.08.02й №11
10.	«AIKLAS TUR» хфд – Тошкент ш.	№1922 23.08.01й. Реестр-538-01	1.08.02й №11
11.	«FENIKS FARMA LTD» қўшма корхонаси – Тошкент ш.	№0278 8.06.99й. ва 0447 5.07.99й.	1.08.02й №11

Зеленая аптека ЛЕКАРСТВА В ВАШЕМ САДУ

Конечно, болеть не хочет никто. А летом тем более. Но всякое в жизни бывает. Промочили ноги, простудились, перекупались, поднялась температура, а может, случайно поранили руку.

Чтобы справиться с такими проблемами, не стоит сразу же браться за таблетки и микстуры. Многие лекарства в буквальном смысле слова растут в вашем саду. Снизить температуру поможет настой плодов калины. Две столовые ложки ягод размельчите миксером, залейте стаканом горячей воды, закройте и подержите на водяной бане примерно 15 минут. Процедите через марлю или ситечко. Добавьте полстакана кипятка и пейте по столовой ложке 3 раза в день перед едой.

От кашля избавит горчичник из... хрена. Натрите корень этого растения на мелкой терке, готовую смесь выложите на слой чистой марли, другим слоем накройте и приложите к груди, сверху прикрыв листом плотной бумаги, затем хорошо завяжите полотенцем или шерстяным шарфом. Ставить такой горчичник лучше всего перед сном и оставлять на всю ночь.

Быстро остановит кровь из раны привычный подорожник. Промойте его листья кипяченой водой, стряхните и приложите к кровоточащему месту, можете прибинтовать. Очистить рану от гноя поможет настой цветов календулы. Заварите их кипятком, дайте настояться в течение полчаса и промывайте два раза в день.

Это интересно ТАКОЙ ПОЛЕЗНЫЙ ШОКОЛАД

Что любил Казанова? Вы думаете, что неутомимый соблазнитель любил женщин? Вы заблуждаетесь. Больше всего на свете Джакомо Казанова любил шоколад. Дело в том, что этот продукт быстро восстанавливает силы. А сексологи уверяют, что шоколад – отличный афродизиак.

Если хотите получить максимум удовольствия от этого продукта, советуем принимать его в виде горячего напитка. Когда вы раздражены, измучены работой, когда ваша голова полна тяжелых мыслей, выпейте поллитра шоколада с амброй. Это, между прочим, рецепт знаменитого гастронома Брийи-Саварена. Он рекомендовал готовить напиток накануне вечером, всю ночь держать в глиняном кофейнике, а утром выпить маленькими глотками.

Медики прошлого считали шоколад панацеей от многих болезней. С его помощью лечили воспаление легких, лихорадку и даже некоторые желудочные заболевания. Сегодня медицина может воспринять эти рецепты как шуточные. Но! В каждой шутке лишь доля шутки. Шоколад содержит так называемые ферменты счастья, которые заряжают организм энергией и бодростью.

Не стоит пренебрегать этим вкусным эликсиром здоровья и женщинам. Прежде чем идти на любовное свидание, выпейте горячего шоколада с горьким миндалем. Мадам Помпадур, фаворитка французского короля Людовика XV, придумала свой рецепт, возбуждающий желание: горячий шоколад с сельдереем и амброй.

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАГИ КАМЧИЛИКЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛСИН

Яқинда Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Азизбек Содиқов раислигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини амалга оширишни ташкил қилиш ва назорат бўйича вилоят комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Бунда иккита масала кун тартибига кўйилди. Биринчиси «Вилоят аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш ва дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилашга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорларининг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда унинг тизимларида бажарилишини ўрганиш яқунлари тўғрисида»-ги ҳамда иккинчиси «Вилоят аҳолисининг ўсиши ва тўғилиш динамикаси» хусусидаги масалалар кўрилди. Шу кунларда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидида 13825 ўринга мўлжалланган 82 та шифохона, 441 та врачлик амбулаторияси ва поликлиникалар, 19 та диспансер, 18 та тез ёрдам шахобчалари мавжуд бўлиб, уларда 32420 нафар тиббиёт ходимлари ҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури ва вилоят ҳокимининг қарорига асосан 2000 йилдан буён республика шoshiлинич тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шаҳар ва туманлар марказий шифохоналари қoшида 17 та шoshiлинич тиббий ёрдам бўлими ташкил этилган.

Вилоят ҳокимлиги назорат бўлими олиб борган текширишлар мобайнида тизимда аҳоли соғлигини сақлаш борасида муайян ислоҳий ишлар амалга оширилгани кузатилди. Шу билан бирга, бир қатор камчиликлар ҳам аниқланди.

Давлат дастурида 90 та қишлоқ врачлик пунктларини қуриш, 88 та қишлоқ врачлик амбулаторияларини қишлоқ врачлик пунктларига айлантириш белгиланган эди. Афсуски, бу соҳада айрим туманларда иш суёт бормоқда. Маҳаллий ҳокимиятлар бунга эътибор билан қарашлари лозим. Дастур асосида 24 та даволаш-профилактик муассасалар босқичма-босқич пуллик хизматга ўтказилган. Улар томонидан бюджетдан ташқари 125 миллион сўмга яқин маблағ топишган. Аммо Андижон шаҳридаги 2-туғруқ комплексининг 2000 йилда 100 фоиз пуллик хизматга ўтиши белгиланган бўлса-да, бу 14,0 фоизга бажарилган.

Бўз туманидаги «Оналар ва болалар» санаторийси эса 40 фоизга амалга оширилган. Лекин бюджетдан ташқари бирор сўм маблағ топилмаган. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидagi муассасаларда бюджетдан ташқари 2001 йил учун бюджетдан 8-миллиард 756 миллион 47

минг сўм маблағ ажратилган. Ҳақиқий харажат эса 40 миллион сўмдан зиёдаги ортиб кетган. Шунингдек капитал таъмирлаш учун қарийб 65 миллион сўм, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар сотиб олишда харажатлар 40 миллион 606 минг сўмга ортиб кетган бўлса, дори-дармон билан озик-овқат маҳсулотларига эса белгиланганидан анча кам маблағ сарфланган. Бундай далилларни Андижон шаҳри, Шахрихон, Жалакудук, Марҳамат, Асака туман-

рихон, Жалакудук, Булоқбоши туманлари марказий шифохоналари бош ҳақимлари М. Сарибоев, А. Исмоилов, М.Тургунов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош диетологи Д. Хожамовлар муаммо ва камчиликлардан мисоллар келтиришдан нарига ўтолмадилар.

Шoshiлинич тиббий ёрдам шифохоналарида дори-дармонлар етишмаганлиги оқибатида улар беморлар томонидан келтирилатганлиги аниқланиб, мутасаддилар қаттиқ танқид остига олинди. Текшириш мобайнида ҳатто айрим дори-

ларнинг шифохонада мавжудлиги, лекин беморларга берилмаганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Чунончи, шoshiлинич тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалининг кардиология бўлимида даволанаётган 24 нафар беморнинг 8 нафари тавсия этилган гепарин инфекциясини, нейрорхирургия бўлимида эса 10 нафар бемор бензилпенициллиндорисини ўзлари олиб келганлар. Ваҳоланки, айни шу дори-дармонлар шифохона дорихонасида кўп миқдорда мавжуд бўлган. Бу шoshiлинич тиббий ёрдам маркази вилоят филиали раҳбари З. Йўлдошев бошчилигидаги шифохона раҳбар ва мутахассисларнинг масъулиятсизлигидан бошқа нарсас эмас.

Андижон шаҳридаги тез ёрдам бўлими дорихонасида доимий бўлиши зарур бўлган 22 турдаги дори-дармонларнинг 8 тури бўлмаган. Шунингдек, Марҳамат, Улуғнар, Бўз туманлари шифохоналарида дори-дармон билан таъминлаш 55-60 фоизни ташкил

этади, холос.

Шунингдек, тез ёрдам машиналари ва шифокорларнинг қақирма қирма 1-2 соатга кеч бориши кузатилди. Бунда техникани носоғлиги ҳам бор. Тизимдаги 655 та автомашинадан 566 тасининг ишлаш муддати ўтиб кетганлиги, фойдаланилаётган 89 та автомашинадан 29 тасининг яроқсиз ҳoлга келганлиги ҳам ачинарли ҳoлдир. Йиғилишда бундай салбий ҳолатларга панжа орасидан қаршилик қаттиқ танқид остига олинди.

Комиссия раиси А. Содиқов йиғилишни яқунлар экан, тизимдаги камчиликларга йўл қўйган раҳбарларнинг масъулиятини оширишга қаратилган тадбирларни белгилаб берди.

Шифо масканларида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш энг муҳим вазифа бўлиб қолишни таъкидлаб, дори-дармон ва озик-овқат таъминотидаги талон-торожликларга қарши аёвсиз курашмоқни ва айрим нопус кимсаларнинг беморларга нисбатан иззатсизлигини пайини қирқиб ҳамда шифохоналарга алоқадор салбий ҳолатнинг олдини олишимиз зарурлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари шифохоналардаги шарт-шароитларни яхшилаш, шифокорларга ғамхўрлик ва талабчанлигини қучайтиришга бўлган эътиборни тубдан яхшилашга қаратилган қарорни қабул қилдилар.

А. ЭРАЛИЕВ,
журналист.

ЕТУҚ МУТАХАССИС — ДАВР ТАЛАБИ

Мустақил Республикамизга чўқур билимли, юқори малакали, кенг фикр юритувчи, ўз касбига фалсафий нукта назардан ёндаша оладиган, ўз бурчига садоқатли мутахассис тайёрлаш учун аввало юқори савияли педагоглар зарурдир. Бу масала Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти қoшидаги педагоглар малакасини ошириш марказида ўз ечимини топмоқда.

Профессор М. Каримов бошчилик қилаётган даволаш факультетининг ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасида шу ўқув йилида Республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Фарғона, Наманган, Андижон, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан келган 50 га яқин ўрта тиббиёт билим юрти педагоглари малака ошириб қайтилар.

Кафедрада «Ҳамширалик иши асослари» фани бўйича ўрта тиббиёт ўқув юртлиари педагоглари учун алоҳида ўқув дастури тузилган. Дастур ҳамширалик иши бўйича Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (БЖССТ) материаллари, ҳамширалик ишининг ривожланиш тарихи, фалсафаси, мақсад ва вазифалари, ҳамширалик иши намоёндалари ва уларнинг таълимотлари, саломатлик ва унга таъсир этувчи омиллар, ҳамширалик жараёни, унинг босқичлари ва ҳамширалик ташхиси, коммуникация, санитария-оқар-

тув ва соғломлаштириш, ҳамширалик иши деонтологияси бўлими ларини ўз ичига олган. Бундан ташқари дастурга ҳамширалик иши бўйича ўқув материаллари (ЛЕМОН)даги замонавий ўқитиш усуллари ҳам киритилган.

«Ҳамширалик иши асослари» фани бўйича ўқув цикли кафедранинг доценти, тиббиёт фанлари номзоиди Назира Аҳмедова томонидан олиб борилди. Тингловчиларнинг фикрига кўра, доцент Н. Аҳмедова томонидан дастурда кўрсатилган мавзуларга бағишланган маъруза ва амалий машғулотлар юқори савияда, қизиқарли қилиб ёритилиши билан бир қаторда, унинг Японияда олган билимлари ва тажрибалари билан кенг бойитиб берилган. «Айниқса, коммуникация; ҳамширалик жараёни, унинг босқичлари, ҳамширалик ташхиси, ҳамширалик касаллик тарихномаси; замонавий ўқитиш усулларида «ротация», «ўзида синиб қуриш» мавзуларига бағишланган машғулотлари уларда катта қизиқиш уйғотган. «Хар бири-

мизнинг амалий машғулотларда фаол иштирок этишга жалб қилинганлигимиз, мавзуларни мунозара шаклида олиб боришганлиги дастури осон ўзлаштиришимизга ёрдам берди», дейишди Жиззах шаҳри тиббиёт коллежи ўқитувчиси Г. Ҳолиқова, Самарқанд вилояти Иштихон тиббиёт коллежи ўқитувчиси Д. Нормуродов ва II ТошДавТИ коллежи

парвариши» фани бўйича сўзсиз катта тажрибага, билимга эга бўлган педагоглардир, лекин нисбатан янги фан бўлган «Ҳамширалик иши асослари» фани бўйича улар билим доираларини кенгайтиришлари, БЖССТ материалларини албатта ўзлаштиришлари лозим. Бу кечиктириб бўлмайдиган замон талабдир.

Шу пайтгача бемор парвариши ҳамшира-нинг асосий вазифаси ҳисобланиб келинган. Ҳозирги кунда ҳамширалик ишини чуқур ўрганиб, амалда тадбиқ этиш долзарб масалага айланмоқда. «Ҳамширалик иши асослари» фанини жаҳон андозаларига мос равишда тўлиқ ўзлаштириш учун педагоглар, албатта, «ЛЕМОН» дастурини ўрганишлари керак. Тингловчиларимиз билан бўлган суҳбатдан яна шу нарсас аниқ бўлдики, кўпгина ўқув масканларида ҳали ҳам «ЛЕМОН» ўқув материаллари тўплами мавжуд эмас. Бу эса уларни ўз иш жойларида мустақил ўқиб-ўрганиш имконини чеклайди, албатта.

Тингловчилар машғулотларда ўзаро тажриба, фикр алмашар

эканлар, ўқув юртлиаридаги мавжуд муаммоларни санаб ўтиш билан чекланмасдан, ўқиш жараёнида олган билимларини қўллаган ҳoлда, бу муаммоларни ҳал қилишнинг режа лойиҳаларини туздилар ва ўз билим даргоҳларига амалга оширилиши зарур бўлган режаларни аниқ тасаввур этган ҳoлда қайтидилар.

Ўқув цикли сўнггида тингловчиларнинг тест саволларига берган жавобларининг натижалари бу ўқув жараёни эзо кетмаганлигини кўрсатди. Яна шунини таъкидлаб ўтмоқчиманки, педагогларда «Ҳамширалик иши асослари» фанини ўз билим юртлиарида жаҳон андозаларига мос равишда ўқитиш иш-тиёқи жуда баланд, интилишлари қучли, фақат уларга имконият ва тегишли шароит яратиб бериш зарур».

Ҳа, ҳақиқатда Назира Аҳмедованинг юқорида таъкидлаган фикрларида жон бор. Чунки эртанги етук кадрларни асосан педагоглар тайёрлайдилар. Шу боис, бугуннинг талаби юқори савияли педагоглар зарур экан, уларнинг малакаларини оширишни янада шакллантириш мутахассислардан ўта масъулият талаб этади. Бунинг учун бутун имкониятларни ишга солиб ҳамкорликда ишлаганга ҳеч нарсас етмайди.

Намоз ТОЛИПОВ.





— Ака-сингил бўлиб, мактабга кетаяпмиз.

Билиб қўйган яхши

МАШИНАНИНГ РАНГИГА ҚАРАБ

Немис руҳшуносларининг фикрига қараганда, автомобилнинг рангига қараб унинг эгаси қандайлигини, кимлигини билиб ола билади. Чунки, қизил рангли машиналарни кўпроқ фаол, мағрур ва ўзибилармон шахслар маъқул қўришади. Устига-устак йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, йўлчиқроқ ёнидан сабрсизлик билан ўтиб кетиш бу хил машина эгалари учун оддий ҳол ҳисобланади.

Сариқ ранг — «жангар» хайдовчиларнинг ёқтирган рангидир. Уларга тезликни тез-тез оширганда ҳам, маълум чегарадан 3-4 баробар ошириш

маъқул келади шекилли, автомобиллар тирбанд турган жойлардан ҳам йўлни топиб тез чиқиб кетишга уринишади. Бунинг учун эса белгиланмаган жойда ҳам олдиндаги машиналарни қувиб ўтиши, ҳатто қайсидир биттасини уриб пачоқ қилишдан ҳам қайтишмайди.

Кўк рангни маъқул қўрувчилар жиддий ва иқтидорли шахслар саналади.

Зангори автомобил эгалари эса ўзларини кўрсатишни ёқтиришади. Улар машинани тартиб-йўл бошқаришади.

Энг интизомли хайдовчи деб яшил автомобил эгаларини айт-

са бўлади. Улар тезликка қатъий риоя қилишади.

Қора рангни кўпчилик ёқтиради. Уларни юксак дидли хайдовчилар деса бўлади.

Кулранг автомобил эгалари ўз «мен»ларини пинҳон тутишади. Йўл-йўлакка сездирамасдан олдингиларни қувиб ўтишлари, ордагиларини эса йўл бермай қийнаб юборишади.

Оқ ва оқ сариқ рангни хушёр ва илмли одамлар маъқул қўришади-да, негадир бундайлар кундан-кунга камайиб боришмоқда.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА



КОСИМОВА С.

Умумий ва биоорганик кимёдан амалий машғулотлар: Тиббиёт олий ўқув юрлари талабалари учун дарслик (С. С. Қосимова, С. О. Машарипов, К. О. Нажимов) Т. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2001. — 319. — (Тиббиёт институтлари талабалари учун ўқув адабиёти).

Хозирги замон тиббиёт илмининг ривожига кимё фани муҳим ўрин тутди. Зеро, бу фаннинг ривожига туфайли жуда кўп тиббий манбалар ўрганилади ва айрим оғир касалликларни даволаш имконияти туғилади. Кимёни чуқур билмасдан туриб, кимёвий моддаларнинг инсон организмига таъсирини билиб бўлмайди, бунис эса малакали шифокорлар бўлиб етишиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам тиббиёт институтлари талабалари шифокорлик касбини мукамал эгаллаш ва муваффақиятли ишлаш учун кимё соҳасидаги муайян билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Диктатингизга таклиф этилаётган ушбу дарслик кимё бўйича зарур билим ва кўникмаларни ҳосил қилишга ёрдам беради деган умиддамиз.

Дарсликда биоорганик кимёнинг энг муҳим назарий масалалари, реакциялар механизми биоманбалар асосида таҳлил этилган, келтирилган реакциялар механизми ҳақидаги билим ва кўникмалар келгусида тўғридан-тўғри биокимёвий жараёнларни изохлаш учун хизмат қилади.


Кимё моддаларининг табиатда кузатиладиган турли-туман ҳолатларини ва уларнинг бир-бирларига айланиш ҳолларини ўрганувчи табиий фанлардан биридир.

Замонавий тиббиётнинг назарий асоси бўлган молекуляр биология, квант биокимёси, молекуляр генетика, молекуляр патология ва бошқа шу каби фанларнинг вужудга келиши, инсон организмда молекуляр даражадаги физиологик ва патологик жараёнларни ўрганиш имкониятини берди. Бунда кимёнинг алоҳида аҳамияти бор.

Табиий билимларнинг ривожланиши билан кимё, биология ва тиббиёт соҳасига борган сари чуқурроқ кириб бормоқда. У кўпгина жараёнларнинг, шу жумладан илгари соф биологик ҳисобланган жараёнларнинг ҳам моҳиятини очиб бермоқда. Бунга ёрдамчи мисол ирсият сирларининг очилишидир. Кимё табиатда учрайдиган, юқори самарали доривор моддаларни синтез қилишга, фармакологик воситаларнинг бир-бирига мос келиши ва оптимал дозировка масаласини ҳал этишга, янги юқори самарали доривор воситаларни излашга имкон яратди.

Назарий кимё курси ва кимё амалиётининг узвий боғлиқлиқда ўрганилиши талабаларнинг фанга доир малака, кўникма ва билимларининг мустақамланишига ёрдам беради. Бунда мазкур китоб беминнат ёрдамчи бўлар деб ўйлаймиз.

Ушбу дарслик, илк бор ўзбек тилида чоп этилаётганлиги сабабли, камчиликлардан ҳоли эмас. Шу боисдан илмийлик ва ҳолисликка асосланган ҳолда камчиликларни кўрсатиб, фикр-мулоҳазаларини билдирган мутахассис китобхонларга ташаккур айтамыз.



Болалар хуриргияси: Тиббиёт институтлари талабалари учун дарслик (Проф. А. Сулаймонов таҳрири остида; Сўз боши: А. С. Сулаймонов. — Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2000. 520б. — (Тиббиёт институтлари талабалари учун ўқув адабиёти).

Дарслик болалар хирургиясининг энг муҳим бўлимлари ҳисобланган абдоминал, торакал, урологик, проктологик, юрак-қон томир тўғма ва орттирилган хирургик касалликларни, йирингли ва чақалоқлар хирургияси, болалар травматологияси ва ортопедияси, нейрохирургияси, анестезиология ва реаниматологиясини ўз ичига олган.

Китобда болалар организмнинг анатомик-физиологик хусусиятлари ва ҳар бир аъзо тизими касалликларини ўрганишдан олдин ушбу аъзонинг топографик анатомияси берилган.

Дарсликда шунингдек Республикадаги энг кўзга кўринган болалар хирургия кафедралари профессор-ўқитувчилари томонидан кiritилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, айрим болалар кенгайтирилди ва янги маълумотлар билан бойитилди. Ушбу дарслик тиббиёт институтлари талабаларига янги дастур асосида ёзилган бўлиб, болалар хирурглари, хирурглар, педиатрларга ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилади, деб умид қиламиз. Китоб ҳақидаги барча танқидий фикр-мулоҳазаларни муаллифлар жамоаси бажонидил қабул қилади.

МАЖИДОВ Н. М.
Абу Али ибн Сино неврологияси (Н. М. Мажидов, Х. М. Халимова, Е. Н. Мажидова. — Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002. — 176 б.)

Абу Али ибн Сино неврологияси



"Abu Ali ibn Sino"

Китобда буюк аллома, файласуф, тиб илмининг асосчиси Абу Али ибн Синонинг касал тизими, унинг тузилиши ва зарарланиши тўғрисидаги қарашлари, асаб тизими касалликларининг таснифи, бош миyaning ялғиланиш касалликлари, уларни даволаш йўллари баён этилади.

Ибн Сино фикрларининг изчиллигини, ўзига хослиги ва мустақиллигини кўрсатиб бериш учун ундан олдин яшаб ўтган Мирс, Хиндистон, Хитой, Юнонистон, Рим, Урта ва Яқин Шарқ давлатлари олимларининг фикрларини ўрганиб ва бир-бири билан солиштириш мақсадида неврология фанининг қисқача тарихидан ҳикоя қилиш зарур деб ҳисоблади.

ҚОН ГУРУХИНИНГ НЕЧА?

Биласизми?



Японлар севишганларнинг қон гуруҳи бир-бирларига тўғри келса, улар ҳаёда албатта бахтли бўладилар, деган тушулчага ишонадилар. 29 ёшли Мики Ямада олти ойлик қисқа никоҳнинг бекор қилинишини — эри билан қон гуруҳи бир-бирига тўғри келмаганида деб ҳисоблади.

Ха, эри уни қўлида кўтариб эркалаган, севиғ изҳор қилган, ҳамманинг ҳавасини келтирган эди. Аммо, ҳаёт ғилдираги тескари томонга айланди. Эр-хотин ўртасида ҳар кун жанжал, асабиллаш. У Микини ўз бизнесидан четлаштирди. Ҳатто бир кун хотинини ошхона пичоғи билан сўймоқчи бўлди.

«Эримни телбаларча севиб қолганлигим сабабли унинг қон гуруҳи меникига тўғри келмаслигини кеч билдим». Бу гаплар бошқа мамлакатларнинг суд залидан янграганида кулги ёки тушунмовчилик уйғотган бўлур эди, одамларда. Японларда эса бу ҳолат ажрашишга жиддий сабаб бўла олади. Уларда қон гуруҳи шахсининг феъл-атвориини белгилайди ва руҳий яқинлиқда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам эр-хотинларнинг номусисиб қон гуруҳлари — ажралиш учун етарли асос.

— Қон гуруҳи ҳақидаги теория бахтли турмушга йўл кўрсатадиган ҳарита, — дейди шу соҳа мутахассиси Тошитака Номии. Унинг фикрича Японияда қон гуруҳи II бўлган одамлар жуда кўп. Уларнинг табиати: оғир-босик, берган ваздасининг устидан чиқадиган, интизомли, қонунларни ҳурмат қиладиган одамлар.

Мутахассис, япон йигитларига қон гуруҳи II бўлган қизларга уйланишни маслаҳат қилади.

Бундай аёллар: одобли, кадр-кимматли, гурурли ва ҳурматга сазовор уй бекаларидир. Япон аёлларига I гуруҳ эркалар кўпроқ ёқади. Улар: хуштабиат, тушунлиққа тушмайдиған, қувноқ, жисмоний бақувват, ўз эр-

кига эга. Ҳукмронлиқни ёқтиришади. Аёли ташлаб кетса, бу дардини кўтара олмайди.

22 фойз японларнинг қон гуруҳи III. Улар: эмоцияларга берилувчан, ижодкор одамлар, кайфияти тез-тез ўзгариб туради, кайғуга берилувчан, ишқамас ва алдоқчи.

Қон гуруҳи IV бўлганлар японларда жуда кам, 10 фойзга ташкил этади. Улар икки хил табиатли. Ташқаридан совуққон, эҳтироссиз бўлсада, ичда ҳис-ҳаяжон жўш уриб туради.

ҚОН ГУРУХЛАРИНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

I-ГУРУХ. Ижобий томонлари: ҳақиқатгўй, иссиқ миҳоз, дунёқараши кенг, кўнгида кири йўқ, соғлом одамлар. Улар ҳақиқий лидер. Японияда 60 фойз вазир ўринбосарларининг қон гуруҳи I.

Салбий томонлари: сўрбет, худбин, зикна, кўпол, бераҳм. Машҳур кишилар: қиролича Елизавета, Рональд Рейган.

II-ГУРУХ. Ижобий томонлари: ишончли ҳамкор, ишнинг уйдасидан чиқади, яқин дўст, бир сўзли одам.

Салбий томонлари: инжиқ, ўта талабчан, эзма.

Машҳур кишилар: Джей Симпсон ва унинг турмуш ўртоғи Николь.

III-ГУРУХ. Ижобий томонлари: жониворларни ёқтириш, улкан ижодий қувват, қизиқувчанлик. Улардан яхши ошпаз ва ажойиб рассом-модельерлар чиқиши мумкин.

Салбий томонлари, паришонхотир, масъулиятсиз, ялқов, ҳасадқўй.

IV-ГУРУХ. Ижобий томонлари: фикри соғлом, ўзини қўлга ола билади, раҳмдил. Улардан моҳир врачлар ва руҳшунослар чиқиши мумкин.

Салбий томонлари: қатъиятсиз, бепарво, кек сакловчи, бетайин, хиёнаткор.

Машҳур кишилар: Мерилин Монро.

(Чет эл матбуотидан олинди).

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш»

«Здравоохранение Узбекистана»

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир: С. ОРИПОВ, профессор.

Ижрокчи муҳаррир: И. СОАТОВА.

Таҳрир хайъати:

М. МИРАЛИЕВ, П. МИРПОЛАТОВ

(Бош муҳаррир ўринбосарлари), Х. РАББАНАЕВ.

Манзилимиз: 700060, Тошкент, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 133-13-22; тел. 133-57-73.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида рўйхатга олинган, гувоҳнома № 00504.

Адади 10.000 нуска.

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.

Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Буюртма Г-816.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Ҳажми 2 босма тобик. Формати А3. Өфсет усулида босилган. Газета IBM компьютерида терилди ва сақланган.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топширилиш вақти 20.00.